

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2004 йил, 7 октябрь, пайшанба № 120 (2008).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН
МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTAN

● Четверг, 7 октября, 2004 г. № 120 (2008).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

● КУЗГИ ЧАҚИРУВ — 2004

Президентнинг Қашқадарё ва Сурхондарё сафари

Президент Ислам Каримов раҳбарлигида юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Буни қишлоқ хўжалигида юз бераётган туб ўзгаришлар мисолида ҳам ақлоқ кўриш мумкин. Зотан, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан ҳисобланган аграр соҳага эътибор янада кучайди. Қишлоқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида йилдан-йилга юқори натижаларга эришилаётгани ҳам ана шу эътиборнинг самарасидир.

Юртбошимизнинг жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, қишлоқ аҳлининг турмуши билан бевосита танишиш учун вилоятларга ташриф буюриши анъанага айланган. Ана шу анъанага кўра Президент Ислам Каримов 6 октябрь кuni Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарини Қарши шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактаби билан танишишдан бошлади. Зеро, сержантлар тайёрлаш масаласи мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бинобарин, аскарларнинг мард ва жасур жангчи бўлиб етишишида ушбу мактабларнинг аҳамияти каттадир.

Шу боис Ислам Каримов аска ва офицерлар билан суҳбат чоғида сержантлар тайёрлаш ишини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимиз раҳбари ҳарбийларнинг яшаш ва ўқиш-ўрганиш шарт-шароитини янада яхшилаш борасида мутасадди раҳбарларга зарур топшириқлар берди.

Президент Ислам Каримов Қамаш туманидаги «Азизбек Кўзиев» фермер хўжалиги даласида бўлган учрашувда деҳқон меҳнатини қадрлаш, рағбатлантириш масалаларига тўхталди.

Юртбошимиз шартнома мажбуриятини ошғи билан адо этиб, айни пайтда ҳосилдорликни қириқ беш центнерга етказишни кўзлаётган ёш фермер Ойбек Кўзиев меҳнатига юқори баҳо берди.

Шу ўринда Президентимиз фермерлик ҳаракатига ало-

ҳида тўхтади.

— Фермерлик осон иш эмас, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ҳавас қилган ҳар қандай одам ҳам фермер бўлавермайди. Бунинг учун ернинг тилини билиш керак. Шу боис ерни ўзининг ҳақиқий эгасига бериш зарур. Бу масалада қонун ва адолат тарозисига қатъий риоя қилиш даркор. Шундагина фермерлик ҳаракати биз кутган самарани беради.

Бугун деҳқон ким учун, нима учун меҳнат қилаётганини яхши билади. Чунки меҳнатининг самарасидан ўзи тўла баҳраманд бўлмоқда.

Яккабоғ туманидаги Жуман Мухлиев номидаги ширкат хўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Қўйли Ҳасанов даласидаги деҳқонлар билан учрашув чоғида пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилди. «Эрта эксанг—эрта ўрасан», деган нақл бор халқимизда. Бунинг амалий ифодасини Қўйли Ҳасанов даласидаги пахта мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу далага чигит март ойининг бошларида экилган эди. Бугун ҳар туп гўзада ўттиздан зиёд чаноқ бор. Етиштирилган юқори ҳосил гўзага вақтида сифатли агротехник ишлов беришнинг натижасидир. Шунинг учун пудратчи оиласи бу йил шартномада белгиланган 35 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжалламоқда.

Президентимиз ана шу пудратчи оила мисолида пахтанинг сифатли навларини танлаш, эрта экиш ва вақтида озиклантириш юқори ҳосил олишнинг асосий гарови эканини алоҳида таъкидлади.

Ислам Каримов наинки жанубий вилоятларимиз, балки бутун мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга йарик лойиҳалардан бири — «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон» темир йўли қурилиши билан ҳам танишди.

Умумий лойиҳа қиймати 450 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган мазкур темир йўл Қашқадарё вилоятини Ғузур ва Деҳқонобод

туманлари орқали Сурхондарё вилоятининг Бойсун ва Қумқўрғон туманлари билан боғлайди. Стратегик аҳамиятга молик бундай йарик иншоот нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи марта бунёд этилмоқда.

Умумий узунлиги 223 километрни ташкил этадиган мазкур иншоот тўла ишга тушгач, йилига 60—65 миллион АҚШ доллари миқдорида иқтисодий самара беради. Поездлар ҳаракатини 184 километргача қисқартиради. Минглаб янги иш ўринлари очилади, мамлакатимизнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлади.

Истиқлолимизнинг ўн уч йиллиги арафасида ушбу темир йўлнинг 56,8 километрдан иборат «Тошгузар—Деҳқонобод» қисми ишга туширилди.

Мамлакатимиз раҳбари «Тошгузар» бекатида бўлиб, йўловчиларга яратилган шарт-шароит билан қизиқди.

Бу ерда бажарилиши лозим ишлар ҳали анча эканлиги маълум бўлди. Хусусан, йўловчилар учун зарур қўшимча бинолар қуриш даркорлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов поездда Деҳқонобод сари йўл олди.

Мамлакатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги «Саидиосирхон» фермер хўжалиги пахтазорларида бўлди. Ушбу хўжалик галла ва пахта топшириш бўйича шартнома мажбуриятини орғи билан бажарган. Хусусан, пахта ҳосилдорлиги режадаги 30,7 ўрнига 41 центнерни ташкил этди.


Ислам Каримов хўжалик раҳбари Исахон Баҳромов ва теримчилар билан суҳбатлашди.

— Сизларнинг меҳнатингиз тўғрисида юртимиз обод бўляпти, — деди давлатимиз раҳбари. — Эл-юртнинг Ватан манфаати бирлаштиради. Сурхон воҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилаётганига, вилоят

(Давоми 2-бетда).

Қанот ёзган лочинлар

Маълумки, шу йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий» муқобил хизматининг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатилш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида»ги Қарори ва шу хусусда Мудофаа вазирининг Буйруғи эълон қилинган эди. Бугун мазкур қарор ва буйруқнинг ижроси таъминланиши давом этмоқда. Жумладан, кунин кеча Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан шу йилнинг кузги илк қақирилувчилари жанговар сафларга жўнатилди.



Тошкент вилоят Мудофаа ишлари бошқармасининг йилнинг 6 октябрь кuni эрталабдан гавжум ҳолатга келди. Чунки бу ерда вилоятнинг туман ва шаҳарларидан келган бир гуруҳ қақирилувчилар, шунингдек, уларни кузатиб қўйиш ниятида ташриф буюрган ота-оналар, яқин қариндошлар ҳамда ҳарбий ўқим вакиллари, фахрийлар, меҳмонлар, журналистлар ва бошқа иштирокчилар жам бўлишган эди. Йилнинг кузги кўркем ҳовлиси байрамонга тус олган. Уртада турли танлов ҳамда тиббий текширув кўрсаларидан аъло натижалар билан ўтган йигитлар бир хил либосда саф тортиб туришибди.

— Ҳар томонлама етук ва соғлом йигитлар пухта кўридан ўтказилиб, қабул

қилинган, — дейди Тошкент вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи полковник Зоҳид Аҳмадхўжаев. — Бугун мана шу лочинлар турли қўшинларга жўнаб кетишади. Йигитлар Мудофаа вазирлиги томонидан қақирилувчилар либоси билан таъминланган (суратда кўриб турганингиздек). Қарорда таъкидланганидек қақирилувчиларни жанговар сафга кузатиш маросимини байрамона руҳда ўтказмоқдамиз.

Тадбирга тақлиф этилган меҳмонлар бирин-кетин сўзга чиқдилар. Тошкент вилоят ҳокими муовини, қақирув комиссияси раиси Абдулҳамид Йўлдошев, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Нуъмон Насимов,

(Давоми 2-бетда).

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 октябрь кuni Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Линкольн Блумфилдни қабул қилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида кўплаб соҳаларда, хусусан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, транс-миллий таҳдидларга қарши кураш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва

сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида ҳамкорлик алоқаларининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорликнинг қарор топишига ҳам боғлиқ экани қайд этилди. Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистоннинг сиёсий ва иқтисодий тикланиши йўлида ҳамкорликда талай иш-

ларни амалга ошираётир.

Оқсаройдаги учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига, минтақавий хавфсизликка, халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

Шу кuni Л. Блумфилд Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирини С. Сафоев ва Мудофаа вазирини Қ. Ғулломов билан ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎЗА).

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ САФАРИ

(Давоми, Боши 1-бетда).

янги қиёфа касб этиб бораётганига гувоҳ бўлди. Ватанпарварнинг равиқ топаётганини, юртдошларимизнинг меҳнатини кўрган кишининг ҳаваси келади. Бундай ютуқлар кишини қувонтиради, янги меҳнат зафарларига чорлайди.

Юртимизда деҳқон меҳнати муносиб тақдирланиб келмоқда. Президентимиз томонидан ушбу хўжалик жамоасига «Дамас» автомобил ҳада қилиниши ҳам ана шундай раҳматликининг яна бир амалии ифодасидир.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига сафари ниҳоятга етди.

Норали ОЧИЛОВ,
Анвар БОБОЕВ,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
Чори ТУХТАЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

НАВСТРЕЧУ ИТОВОВОЙ ПРОВЕРКЕ

ДОЛЖНЫ ПОКАЗАТЬ ПРИМЕР

Стрелки рядовой Дильмурод Норалиев и Расул Жуманов скоро будут сдавать последнюю итоговую проверку за учебный год. После этого им предстоит увольнение в резерв. Эти воины в мотострелковом подразделении по праву считаются одними из лучших специалистов, и сослуживцы уверены в их успехе на главных экзаменах года.

Свою готовность к этим испытаниям воины-мотострелки еще раз подтвердили на недавних занятиях по тактической и огневой подготовке. Рядовые Д. Норалиев и Р. Жуманов по этим учебным предметам получают только отличные оценки. На «тактике» оба эти воина справились все от них зависящее, чтобы качественно и в срок выполнить все учебно-боевые задачи, поставленные командиром. А на «огневой», пораив все цели, также показали высокие результаты.

На нас смотрят те, кому впервые предстоит сдавать экзамены на боевую зрелость, — говорит рядовой Р. Жуманов. — Поэтому мы не имеем морального права сдавать итоговую проверку за учебный год ниже своих возможностей. Мы обязательно покажем наилучшие результаты.

Майор Х. ЗАНИЛОВ.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШАР ЖАНГОВАР ДЎСТЛАР

Тоғ-ўқчилар взводи шартли душман зарбасини қайтариб, мудофаа чизигида мустаҳкам турмоғи лозим. Қўмондонликдан тегишли буйруқ, кўрсатма олган взвод командири катта лейтенант Умрбек Урмешев қўл остидаги посбоиларга газифалар қўйди. Бунга кўра, олдинги маррани эгаллаган оддий аскар Ганишер Тишливовга гранатомёт билан шартли душман зирхли техникасини яқсон этиш вазифаси юклатилди. Оралиқ масофа тахминан 1200 метр. Гуруҳ командири катта лейтенант Жаҳонгир Бемуродовнинг буйруғига биноан биринчи бўлиб Ганишер зарба берди. Рақия орқали берилган маълумот ни-

шон бехато яқсон этилганини кўрсатди.

Бу якуний синовлар олдиндан бўлиб ўтган машгулотдан бир лавҳа. Худди ана шу машқдаги муваффақияти Ганишернинг сафдошларини ҳам руҳлантирди. Батальон командири посбоилга миннатдорчилик аълон қилди. Сирдарёлик посбоил ҳадемай ҳаёт мактаби билан хайрлашади. Ортада қолаётган бир йил унга кўп сабоқлар берди. Ҳарбийча ҳаёт, одатлар, тартибни қўяверинг. У жанговар қуролни агрофлича ўрганди. Гранатомёт билан бемалол «тиллаша» олади-ган даражага етди, десак хато бўлмайди. Яқинда бошланмак якуний синовларда бунини яна бир бора исботласа

бас. Тайёргарлиги яндининг унинг ишончини оқлашдан далолат.

Оддий аскар Зариф Жуманов Ганишернинг дўсти, сафдоши. Унинг ҳам вазифаси гранатомётчи. Иккови ҳам гуруҳда хизмат қилишади. Мўлжалга бехато отиш сирларини Зариф Ганишердан биров ўргангани бор гап. Аммо бу тажриба, кўпикма бобида дўстидан орқада, дегани эмас. Самарқанднинг Иштихонидан муддатли ҳарбий хизматга қақрилган бу посбоил ҳам резервга бўшатилиш арафасида. Баҳорда резервга бўшатиладиган қандай-ини тантана билан уйига кузатилганини яхши эслайди. «Сизлардай Конституциявий бурчларини аъло дара-

жада ўтаётган ўғлонларни зўр тантана билан, биринчи-лар қаторида уйларингизга кузатамиз», деганди яқинда батальон командири. Очиғи, ўшанда уйига, яқинларига бўлган соғинч юрагини орзиқтирганди. Энди эса қадрон жамоаси билан хайрлашишни ўйлаб, кўнгли биров гап. Бироқ олдиндаги муҳим дово — якуний синов машгулотларига тайёргарлик суръатини бир лаъза ҳам сусайтиргани йў.

Тасаввур қилинг, ҳадемай икки жанговар дўстини фуқаролик ҳаёти ўз оқимига солиди. Бир-биридан олисда, турли соҳада фаолият кўрсатишади. Аммо армияда орттирилган дўстлик уларни доимо боғлаб туради. Дийдорлашишга чорлаб туради.

Майор
Алжон САФАРОВ.

(Давоми, Боши 1-бетда).

вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси Тўлқин Комилов, чегара қўшинлари фахрийси полковник Рустам Султонов, Тошкент вилояти аскарлар оналари қўмитаси раиси Лилия Симоная, оналар номидан Оқдўрғон туманидан келган қақрилувчининг отаси Иброҳим Тугановлар она юрт ҳимоясига отланган жасур ўғлонларни шарафли бурч билан табриклар экан, уларга улкан масъулият ва ишонч билдириётганини, давлатимиз сарҳадларини доимо юксак ҳушёрлик билан кўриқлаб, ҳаминча қасамёдларига содиқ қолишларини тилади. Қақрилувчилар номидан Ўстонлиқ туманидан келган Жамшид Ризаев сўзга чиқиб, сафдош дўстларининг ва ўзининг виждонан ҳамда ситқидилдан йиғитлик бурчларини ўташларини маъор этди.

Тантанали митинг ниҳоятсига етгач, она-оналар ҳамда йиғилган бошқа иштирокчилар учун чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбли томонидан концерт дастури тақдим этилди. Фарзандларини эл хизматига йўллаётган она-оналар юзида ажиб ифтихор ҳиссини туясиз. Биз улардан баъзилари билан суҳбатлашишга қарор қилдик.

Бозорбой бува МАТКОЗИЕВ (80 ёшли уруш фахрийси, Бекобод туманидан): — Набирам Уткир Маткозиевни кузатгани келдим. Уткир ёшлигидан спортга ва ҳарбийликка қизиқарди. Ҳозир бу ёшлардаги гайрат-шижоатни кўриб, бундан бир неча ўн йиллар олдинги ўз ёшлигимнинг аксини кўраётгандайман. Буларга омад ёр бўлсин, Набирамга ҳам, барча сафдошларига ҳам омад тилайман. Мендай шире бадавлат;

Қанот ёзган лочинлар

мендан ҳам бахтлироқ бўлсин. Ой бориб омон қайтсин.

Аллақачон 80 ёшни уриб қўйган бўлса-да, ҳамон тегинотaxonга қараб ҳавас қилдим. Бундай бобонинг набираси ҳам ўзи каби бақувват бўлишига шубҳа йўқ. Ахир бежизга чегарада хизмат қилишга юборилмайти-ку, дея ўйлаб навбатдаги онахонга яқинлашдим.

Мухтарам она Умрзоқова (Паркент туманидан):

— Қақрилувчи Жасур Умрзоқовнинг онаси бўла-

ман. Уч ўғлимнинг кенжаси Жасур ҳам авалари каби ҳарбий хизматни албатта, ўтаб қайтишни ният қиларди. Боши тошдан бўлсин, Фарзанди эл қорига ярағидан шу ерга йиғилган бошича она-оналар каби менинг ҳам дилим чоғ, кайфиятим кўтаринини. Соғ-саломат барчалари хизматни ўтаб қайтишини. Биз дуода бўлайлик.


Концертдан кейин тушлик учун вақт берилди.

Яқинлари билан хайрлашиб олган қақрилувчилар кеч-қўрун темирйўл вокзалдан турли қўшинларга хизматга жўнаб кетишди.

Лейтенант
Елпиз ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Суратларда: 1. Қақрилувчи Шавкат Рихсиев (Радиотехник мутахассислиги соҳиб). Қўрай туманидан. Биринчи саҳифада).

2. Кузатиш онлари.
Александр МРУЧАК
олган суратлар.



Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи Республика лицейида 10-синф тарбияланувчиларининг «Тантанали қасамёд» қабул қилини ҳамда «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Маросимни лицей директори Собир Аҳроров ўзининг кириш сўзи билан очар экан, йиғилганларни аввало шодиёна муносибат билан табрикларди. Сўнгра сўзга чиққанлар: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Туреуиқул Муҳитдинов, Митробод туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи полковник Хусан Зуфаров, директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўрпибосари Сайёра Муҳитдинова, лицей фахрий ўқитувчиларидан бири бўлими Геннадий Лобовлар ҳам барчалани қутлаб, ўзларининг самимий тиланларини йўллашди.

Тантананинг асосий қисми лицей, қасамёд қабул қилиш

ҚУШАЛОҚ БАЙРАМ

маросими айниқса, кўтаринли руҳда ўтди. Чунки, бу дамларини она-оналар айниқса, 10-синф тарбияланувчилари орзиқиб кутинганди. Ўшанда, бир текис саф тортиб турган, шахдам қадам ташлаб, дадил ва аниқ ҳаракатланаётган ўспириларни кўриб, уларнинг ҳарбийча ҳаёт тарзига эидигина қадам ташлаганига ишонмайсан киши. Айниқса, тантанали марш билан ўтиш кўнчилида катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг тадбирнинг бадий қисми бошланди. Лицей тарбияланувчиларининг, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли кинологларнинг чиқишлари ҳаммага бирдек манзур бўлди. Бунини қарап-ки, лицей тарбияланувчилари ўртасида мунгазам равишда ўтиазилувчи спорт мусобақаларининг айрим турлари бўйича финал босқичини ўт-

казиш айнан ўша кунга режалаштирилган экан. Шу ўрнида, ўз ичига турли шартларини олган эстафета, аниқроғи ҳарбийлаштирилган эстафета қизғин кураш остида ўтганлигини таъкидлаш жоиз. Унинг мурасисиз ўтганлигини голиб жамоанинг сўнги палладагина аниқланганидан ҳам билса бўлади.

Юқоридаги каби тадбирлар куй ва қўшиқлар, сахна чиқишларисиз ўтмаслиги аниқ. Тантанана таширф буюрган сапхаткорлар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Исмон Абдуллаев, Ҳабибулло Абдуллаев, Тошкент Давлат Санъат институти вакиллари — Озодбек Назарбеков, Бахтиёр Султонов, «Нурли» ва «Нафис» гуруҳлари ҳамда бошқалар тадбирнинг байрамона кайфиятда ўтишида, ўзларининг ҳиссаларини кўшишди.

Яқиндагина ҳаяжонли дақиқаларни бошдан кечирган 10-синф тарбияланувчилари билан суҳбатлашмай кетсам бўлмасди, албатта. Ахир уларнинг айтадиган гаплари, самимий фикрлари кўп.

Фаррух СУЛТОНОВ:

— Ишон бироқ нарсани астойдил хоҳласа ва унга эришиш учун бор куч ва билимининг аямаса албатта, мақсадига етишига ишонаман. Менинг мақсадим — мустақил юртимизнинг профессионал жангчиси, замонавий офицер бўлиш. Бу ерда таҳсил олганим эса, ҳарбий ҳаётга кўнликманнинг бошлангани мен учун.

Искандар РАЗЗОҚОВ:

— Қасамёд қабул қилганларини илгарги фақат телевизор орқали кўрганман. Унинг бу ҳақда ҳаяжонли бўлишини ҳеч ўйламаган эканман. Энди билсам, қасамёд қабул қилиш, бу — катта масъу-

лият ҳамдир. Ахир, биз ҳар қандай вазиятда ҳам ичган оптимизга содиқ қолишимиз шарт. Мен ҳам келажагда курсант, сўнгра офицер бўлишни ният қилиб қўйганман. Тўғри, ҳозирда ҳарбийларга қўйлаётган талаблар юқори. Шундай экан, ҳозирдаюқ пухта тайёргарлик кўришга, фақат «аъло» баҳо-ларга ўқишга иштилояман.

Фаррух ҚОРАБОЕВ:

— Мен аввало фурсатдан фойдаланиб, юртимизнинг барча устоз ва муаллимларини касб байрами билан табрикламоқчиман. Минг раҳмат, уларга!

Ушбу тадбирдан кетаётиб, ҳаёлимга келган ўйдан ичмадан қувондим. Ахир, бундай ўспириларни кўриб, қувонмай бўладими. Ишончим комилки, Ватаним ҳимоя қилиш, юрт тинчлигини таъминлаш муқаддас ва шарафли бурч эканлигини ёшлигиндаюқ англаб етган бу — мустақил дийёр фарзандлари билдири-лаётган ишончларни шак-шубҳасиз оқлашади.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИЙЛИК ИЙГИЛИШИ

Вашингтонда Халқаро валюта жамағатиса (ХВЖ) ва Жаҳон банкининг (ЖБ) ийлик қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг етакчи молия корпорациялари вакиллари иштирок этди.

Францияда ҳоқимият тузилмалари ўзгартирилди. Ингилишлар кўпроқ маҳаллий ҳоқимият органларини ташкил қилишга эътибор қилди.

ФРАНЦИЯДА ҲУКУМАТ ИСЛОХОТИ

Префект — Франция марказий ҳукуматидаги департаментлар ва бошқа маъмурий бўлимларнинг раҳбарлари.

ИНТЕРНЕТ-МОЗАИКА

РОБОТ-ХУДОЖИК

Современные роботы умеют не только обитывать в шахматы чемпионы мира. Они вполне сносно сочиняют музыку и даже играют в футбол.

қилди. АҚШ вакиллари ўта оғир шароитда қолган мамлакатларнинг қарзларини бутунлай бекор қилиб, уларга халқаро грант ва субсидияларни кўпроқ жалб этиши фикрини билдирди.

Ҳашироқ мамлакатларни қўллаб-қувватлаш аниқгина қўшма маблағ талаб этди. Шу боис Вашингтон ўзини раҳбарлик қилишда муваффақ бўлиши учун ҳақиқатдан беради ягона фикрга келишни иложли бўлмади.

УЧАР ЛИКОБЧАЛАР

Бир киши кўчада кетаётган бошини боғлаб олган Афанди дуч келиб қолибди ва ундан ўзгарибди.

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ ДУО ҚИЛ

Бир кун тунда Афандининг уяни ўғри тушибди. Бунинг севиб қолган Афандининг хотини ўйғониб кетди.

ТУШ ТАЪБИРИ

Афанди бир кун айланб юрса, бир нотани киши келиб, у билан саломлашди ва: — Ҳа, Афанди, қандай янгиликлар бор? — деб сўрабди.

УЧАР ЛИКОБЧАЛАР

Бир киши кўчада кетаётган бошини боғлаб олган Афанди дуч келиб қолибди ва ундан ўзгарибди.

ХОҲЛАГАНИНГИЗ

Афанди бир куннинг боғига адибон кириб қолди ва қилоси яқинда ётан мева дарахтларига эрибди.

11-17 ОКТЯБРЯ

Table with TV channel logos and program listings for October 11-17. Includes channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100.

Уникальное тысячелетнее дерево багрянца обнаружены ученые на севере Вьетнама.

ДЕРЕВО-РОЩА

Сударства. Баньян — современное уникальное дерево. Оно разрастается на площади в тысячи квадратных метров.

Main program schedule table for October 15-17. Columns include date, time, channel, and program name. Includes channels like 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100.

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

ҚАРШИ—ҚАДИМ ДУРДОНАЛАРИМИЗДАН БИРИ

Истиқлол миллатимиз учун ўзини, ўзлигини англаш, дунёга танитиш, Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихини, халқимизнинг маънавий-маданий қадриятларини тиклаш имконини берди. Шарқнинг қадим дурдоналаридан саналган Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйлари муносиб нишонланди.

Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Президентимиз Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига сафарларидан бирида ушбу юртда бундай инсонлар жуда кўп ўтганини, хусусан, биргина Қарши — қадимий Насаф шаҳридан «Насафий» тахаллуси билан шуҳрат қозongan ўнлаб фозиллар етишиб чиқганини алоҳида таъкидлаган эди.

Юртбошимиз мана шундай улур аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар томолама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш, уларнинг қадимжоларини обод этиш, тарихий

обидаларини таъмирлаш, кўз қорачиқидек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш чораларини кўриш зарурлигига мунтазам эътибор қаратиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамаси шу йил 29 сентябрда қабул қилган «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарор бу борадаги хайрли ишларнинг яна бир далилидир.

Хукумат қароридан жаҳон тарихи ва маданиятида алоҳида ўрин тутган Қарши шаҳрига асос солинганлигининг 2700 йиллиги муносабати билан юбилей тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни 2005 йилда ўтказишни ташкил этиш бўйича кўзда тутилган тадбирларнинг кўлами кенг, аҳамияти эса каттадир. Зеро, ЮНЕСКО Бош конференцияси ўзининг 32-сессиясида ушбу масала бўйича қабул қилган қароридан қайтганда, Қарши шаҳрига асос солинганлигининг 2700 йиллигини нишонлашда мазкур халқаро таш-

килот ҳам фаол иштирок этади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қадим шаҳарнинг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси таркиби ҳамда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, ЮНЕСКО, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, «Ўзбекинаво» эстрада бirlашмаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва бошқа тегишли таъкилотлар ҳамкорлигида шаҳар тўйига бағишлаб халқаро илмий конференция, шунингдек, тантанали байрам тадбири ташкил этилади.

Қадимий шаҳарларимиз юбилейлари муносабати билан ҳар доим муҳим ноширлик ишларини амалга ошириш яхши анъанасига айланган. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган китоб-альбом чоп этилади, Ша-

ҳар тарихи ва бугунги ҳаёти ҳақида илмий ва бадиий асарлар нашр этилади. Шу мавзуда илмий-оммабон хужжатли фильм яратилиши ҳам режалаштирилган.

Қаршининг асарлар силсиласига гувоҳ неча-неча қадимий обидалари шаҳар юбилей арафасида қайта таъмирланади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда шаҳарнинг тарихий обидаларини 2004—2005 йиллар давомида таъмирлаш учун масъул этиб белгиланди.

Шундай кўнра обидалардан бири — «Кўнрабаз» масжиди XIV асрда қурилган. Режага кўра ушбу ишдода таъмирлаш ишлари янги босқичда амалга оширилади. Иқри йил охиригача масжид ва айвонлар таъмирдан чиқарилади. Кейинги босқичда — 2005 йилнинг май ойигача масжидга ёндоқ ҳудудлар обodonлаштирилади.

Бундан ташқари, XIV асрда бунёд этилган Хўжа Убайд Қарроҳ масжиди миқрасини таъмирлаш, ҳовлиси ва худудини обodonлаштириш, XVI асрда тикланган Қарши қалъаси деворининг қолдиқ қисмининг консервациялаш каби юмушлар ҳам кўзда тутилган.

Муштақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳар қандай хужжат, амалга ошириладиган ҳар бир чора-тадбирнинг замирида аввало инсон, унинг манфаатлари муқаддасдир. Жумладан, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан қурилиш, обodonлаштириш, аҳолининг табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантиришга доир комплекс тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Қисқаси, қадимий шаҳарларимиздан яна бирининг тўйига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

(ЎзА)

ТАРИХИМИЗНИ БИЛАСИЗМИ? ЎЗБЕК МУМТОЗ ШОИРИ



XIV—XV асрларда яшаб ижод қилган Гадоий (тахаллуси) ўзбек мумтоз шеърини ривожига катта ҳисса қўшган шоирдир. Унинг асл номи — ҳозирча номаълум.

Гадоий ғазал жанри, аруз илми ва шеърят қондаларини яхши билган. Асосан туркий (ўзбек) ва қисман форс тилида ғазал, қитъа, туюқ, мустазод, қасидалар яратган.

Хусусан, унинг ғазаллари мазмунан ҳаётийлиги, бадиий ва шаклан баркамоллиги билан ажралиб туради. Гадоий шеърлари арузнинг халқ кўшиқларига яқин, тили халқона содда, вазни енгил, шўх ва ўйноқ оҳангда ёзилган. Айрим ғазал ва қитъаларида шоирнинг ўз ҳаётини лавҳалари

ва руҳий кечинмалари акс этган. Унинг шеърини «чарх жафоси», «рўзгор жавридан» фигон, «ғурбат меҳнати» ва «роҳиблар таъинидан» шикоят оҳанглири сезилиб туради.

Гадоийнинг форсийдаги шеърлари Фаҳри Хивавийнинг «Радоийф ул-ашшоф» таъкирасига киритилган.

Гадоийнинг XV асрнинг иккинчи ярми — XVI асрнинг бошларида номаълум котиб томонидан кўчирилган «Девони Гадо» асари ҳозиргача етиб келган. Унга 2974 мисрадан iborat 230 ғазал, бир мустазод, бир қасида, беш қитъа ва туюқ кирган. «Девон»даги қасида Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Ҳалил Султон мадҳига бағишланган.

Гадоийнинг «Девони Гадо» асари қўлэмаси Париж Миллий кутубхонасида, микрофильми ва фотонусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтинида сақланади.

1960 йилда Туркияда ва 1971 йилда Америка Қўшма Штатларида Гадоийнинг шеърлари нашрдан чиқарилган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидан фойдаланилди.

ОБЛОМОК ШАТТЛА

На юго-востоке штата Техас обнаружен обломок шаттла «Колумбия», сотрудник представитель агентства НАСА. По его словам, часть отсека для экипажа размером 1,8 м была найдена биологом, исследующим дикуно природу. Фрагмент шаттла, развалившегося в воздухе на части 1 февраля 2003 года, в результате чего погибли семеро астронавтов, пока еще не вывезен с места обнаружения. На территории штатов Техас и Луизиана всего были обнаружены десятки тысяч фрагментов.

ЗА 1 КМ...

Один рубль за километр будет платить водители во время путешествия из Санкт-Петербурга в Москву по платной дороге, а всего проезд по ней обойдется им в 600 рублей. Строительство новой скоростной автомагистрали Москва — Санкт-Петербург начнется в следующем году. Об этом сообщил журналистам заместитель министра транспорта России Александр Минин. По его словам, «600-километровая платная магистраль, которая свяжет московскую кольцевую с петербургской, будет строиться 5 лет».

ШАФФОФ ҚАЙИҚ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Қайиқда сузиб кетаётган, сув остидаги ҳаёт қандай кечаётганини кўриш кўпчиликни қизиқтириши табиий. Бундай имкониятдан фойдаланишни америкалик иxtiroчи Мюррей Брум таклиф этмонда...

Американинг «Тайм» журналида хабар берилишича, Мюррей иxtiro қилган қайиқ тўлиқ шаффоф пластиндан тайёрланган. Шунинг учун

ундан сув остига тушмасдан ҳам жониворлар ҳаётини кузатиш мумкин. Қайиқнинг сиртқи қисми юмшоқ, уни ҳатто қайириш ҳам мумкин. У қиррали тошларга тегса ҳам ҳеч қандай эҳти етмайди. Қайиқнинг вази эса борйўги 12 килограмм. Шаффоф қайиқ аллақачон соғуфта чиқарилган бўлиб, унинг нархи 4280 долларни ташкил этади.

Фиръавнлар учун мусиқа

Яқин-яқингача олимлар ўз ичига етита нотани оладиган таъминот тизими эрампдан аввал VI асрда Фифагоров томонидан яратилганга шубҳа қилмасдилар. Италиянинг Бари шаҳрлик олимлар мусиқашунослик Анна Габриэлла Наддарало ҳамда археофалаки-этнушнослик бўйича мутахассис Недим Влера мусиқани ёзиб олишнинг мисрликлар эрампдан аввал туртиччи минг йиллик ўрталаридаёқ уддасидан чиққанлигини исботлашмоқда. Бунга қадар улар омон жисмларини белгилөөчи нероглифлардан фойдаланишган. Ўз билимлари асосида олимлар дафн этиш миср мадҳияларини ишлаб чиқиб, уларни замонавий ноталарга ўтказишга муваффақ бўлишган. Шу йилнинг сентябрь ойида



Гизадаги буюк ахроматлар остида минглаб йиллар аввал йўқотилган фиръавнлар мусиқаси концерти бўлиб ўтади. Буюк мадҳиялар икроси учун дўмбира, араб гитараси ва арфа каби қадимлардин Нил дарёси бўйида янраган мусиқа асбобларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

БУ ТУРФА ОЛАМ УЛИМДАН ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИ

Бу воқеа Италиянинг Солерно вилоятида содир бўлди. 11 ёшли Алфредо Иоани Болалар билан чала қурилган бинонинг учинчи қаватида ўйнашарди. Бир пайт Алфредонинг оёғи тийиб, юқоридан қулай бошланди. Бунга ўз вақтида сезган Альфредонинг Стелл лақабли ити бола тушадиган жойга белни тўғрилаб, ўрнашди туриб олди. Сабаби эса оддий, бечора бола ерга юмшоқроқ тушиши учун. Ҳақиқатан воқеа ит кўзлагандек яқин топди. Бироқ учинчи қаватдан бола йиқилганда у билан бирга оғир хода ҳам қўшилди тушган эди. Эс-ҳуши жойида

бўлган итин қаранг-ки, бола ерга тушиши билан ўрнидан даст туриб, ходани йўлини тўсди. Шундай қилиб ит, инмала зарби ҳам ўз бўйиғига олди, оқибатда бола ит Улимдан қутқариб қолди. Ўзи эса анчагина шинастланди.

ИККИ БОШЛИ БУЗОҚ

Мисрнинг Калайбия вилоятида яшовчи фермер Салим Маатнинг Бақара лақабли сиғири икки бошли бузоқ туғди. Аммо бузоқнинг боши иккита бўлгани билан қулоқлари тўртта эмас, аксинча, иккита ҳолос. Ленин кўзлари, ҳақиқатдан ҳам тўртта. Дарвоқе, бузоқ одатдагидек тўққиз ойда эмас, балки, ўн ойда туғилган.

УИ ЭГАСИДАН УЧ ОЛГАН ТУТИ

Жанубий Африканинг Коллинби шаҳрида истиқомат қилувчи Питер Брайер тоғли тўти боқадди. Унга Рокки, деб лақаб ҳам қўйиб олган. Бир кун ит тўти Питерга негадир ёқмай қолди. Шунда Питер тўтини патларини чиройли ранга бўяб қўйсам-чи, деб ўйлади ва шундай қилди ҳам. Аммо бутун машааана ана шундан кейин бошланди. Рокки Питердан жуда қаттиқ хафа бўлиб қолди. Ҳатто икки кунгача Питер берган овқатларни емади. Учунчи кун ит Питер тўтинини қасадан олиб, Роккига нима бўлганини билмоқчи ва қўлида эрналатмоқчи бўлди... Рокки ўз хўжайинидан ўч олди, яъни Питернинг юзларини чўкиб, нонати юборди. А. САЛИҲОВА тайёрлаган.

ХОТИТЕ — ПРОВЕРЬТЕ!

Астрология позволяет нам на досуге заниматься чем-то вроде «салонных» игр. Выпишите в столбик фамилии любимых композиторов, певцов, художников, поэтов, актеров и т. д. Найдите их даты рождения по новому

стилю и определите принадлежность каждого к тому или иному знаку Зодиака. Вы наверняка убедитесь, что большая часть выбранных вами любителей окажется одного с вами или «родственником» знака Зодиака. Так подтверждается известный закон природы: «Родное тянется к родному». Подготовила Л. КАРИМОВА,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 5 октябрдан бошлаб валюта операцияларини бўйича бухгалтерия ҳисоби статистия ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюта

ларнинг сўмга нисбатан қийматини қийматини белгилади:
1 АҚШ доллари 1041,33
1 евро 1287,08
*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

● АРМЕНСКИЙ СПОРТ

„КАНОТ“
РАСПРАВЛЯЕТ
КРЫЛЬЯ

Прошедшие летом Первые Всеармейские игры дали мощный толчок для развития армейского спорта. Ведь если победители пожинали плоды основательной и заблаговременной подготовки, то в стане побежденных задумались о том, как ко вторым Всеармейским играм подготовиться наилучшим образом.

В Управлении Войск ПВО и ВВС взялись за дело самым серьезным образом, и результаты уже дают о себе знать.

— Прежде всего приказом командующего войсками у нас восстановлено штатное спортивное подразделение. — рассказывает начальник физподготовки и спорта ВПВО и ВВС майор Ахмад Солижонов. — Ведь и раньше успехи спортсменов-авиаторов базировались на основе достижений спортивного подразделения, имевшегося при штабе. Результаты больших мастеров в различных видах спорта вдохновляли весь личный состав войск активно и упорно работать над собой. Теперь традиция возрождена, и мы надеемся вновь войти в число лидеров армейского спорта.

Впрочем, и на Первых Всеармейских играх сборная ВПВО и ВВС выглядела вполне достойно. Так, футбольная дружина «Канот» стала победителем Всеармейских игр, победив в финале команду СВВАКИУ. Кстати, успешно выступает и в первенстве Узбекистана по футболу среди команд второй лиги зоны г. Ташкента.

Еще одна новость — в чемпионате Узбекистана по гандболу среди команд высшей лиги также появилась команда «Канот». Однако ее не называли новичком лиги, так как основу ее составили игроки неоднократно чемпионы страны — «Танки» из Чирчика. Преобразование в штатно-должностной структуре ЧВТКИУ привели к тому, что команда сменила название, но осталась в строю армейских. И вновь «Канот» среди лидеров — на турнире Кубка независи-

мости Узбекистана она одержала подряд три победы. В первом туре армейские гандболисты со счетом 48:22 обыграли СДЮСШОР (Ташкент), во втором — студентов СамГАСИ (г. Самарканд) со счетом 42:18, а в третьем — ташкентский «Ешлик» со счетом 51:20. Бомбардирами команды стали младшие сержанты по контракту Герман Кондрашин, Эркин Норматов и Олег Колесников. В матче за первое место они уступили со счетом 40:43 команде УзНУ, заняв в итоге второе место.

С 21 по 24 сентября в Фергане на спортивной базе Восточного военного округа прошел открытый чемпионат Вооруженных Сил по парашютному спорту, на который ВПВО и ВВС выставили сразу три команды. И отрадно, что первая сборная военных авиаторов в составе кандидатов в мастера спорта майора В. Мухина, мастеров спорта капитана И. Ганькина и сержанта по контракту А. Исакова, первоарядника младшего сержанта по контракту К. Жоробаева заняла почетное третье место, пропустив вперед лишь сборную ВВО и Андижанского АСК.

Таким образом, сентябрьские успехи воинов-спортсменов ВПВО и ВВС стали наглядным подтверждением того, что при активной поддержке командования армейский спорт начинает развиваться очень бурно.

Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

● ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА
ХИЗМАТ
ҚИЛАМАН»

17 октябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали ҳарбий студия томонидан тайёрланган «Ваганимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навбатдаги сони эфирга узатилади.

Кўрсатув Қуролли Кучларимизда бошландиган яқуний синов машғулотларининг биринчи босқичига ва кузги қақирувга бағишланади.

Кўрсатувининг такрорий намойиши сешанба, 19 октябрь соат 16.00 да эфирга узатилади.


Ўз мухбиримиз.

ОТВЕТЫ НА
КРОССВОРД.
ОПУБЛИКОВАННЫ
В № 117

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 5. Нарекание. 7. Чардаш. 8. Твердь. 13. Авизо. 14. Канал. 15. Угон. 16. Лорд. 17. Амбра. 19. Молва. 20. Шмидт. 23. Минроб. 26. Коллаж. 28. Салон. 29. Крамола. 32. Транзит. 34. Ага. 36. Испания. 37. Балу. 38. Урна. 39. Камфара. 41. Лот. 44. Атакама. 46. Снегирь. 48. Смола. 50. Дягиль. 52. Арбитр. 54. Разум. 55. Ягуар. 57. Афера. 58. Доде. 61. Блиц. 63. Кефир. 64. Нерпа. 65. Правда. 66. Либидо. 67. Горшечник.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Аншлаг. 2. Околица. 3. «Метеор». 4. Ареал. 6. Крона. 9. Старик. 10. Занавес. 11. Соломон. 12. Вертел. 18. Юбка. 19. Мешок. 21. Тукал. 22. Указ. 24. Индустрия. 25. Слог. 27. Альтруист. 30. Ранец. 31. Агана. 32. Тонус. 33. Измор. 34. Аул. 35. Аут. 40. Сахар. 42. Озон. 43. Север. 45. Альт. 47. Иран. 48. Стулень. 49. Ашгабат. 51. График. 53. Индиго. 56. Чародей. 58. Алдан. 60. Отвага. 62. Иголка. 63. Комик.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 3. Дощечка в руках художника, стоящего перед мольбертом. 8. Печенье без сдобы. 9. Столица государства в Европе. 10. Волевая готовность. 15. Деревянный духовой инструмент. 16. Восточный платан. 17. Плата за нарушение. 20. Роман о князе Мышкине. 21. Смещение музыкального ударения. 23. Деньги, сделанные сделкой. 24. Знак зодиака. 28. Футляр для чертежей. 29. Естественный водоем. 30. «Кошелек или ...». 34. Его придумал французский врач Рене Лазник в 1816 году. 37. Светская элита (устар.). 38. Место для коня. 39. Загнутый и прилегающий край одежды.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. «Велосипед» без педалей. 3. Перст. 4. Старший мулла в мечети. 5. Скрипичный мастер. 7. Вещество, созданное для пользы и служащее

для загрязнения. 11. Нитки вышивальщицы. 12. Бурные рукописания. 13. Постановщик фильма «Война и мир». 14. Система нагревания помещений. 18. Разрывной снаряд. 19. Городской парк. 22. Парча с ткаными золотыми или серебряными узорами. 25. Гриб, рекомендуемый народной медициной как наружное средство при ревматизме и нарывах. 26. Стальной канат. 27. Самое фирменное в Вене мясное кушанье. 31. Коллектив буренок. 32. Льняная ткань, обычно кустарной выделки. 35. Столица Норвегии.

ПО ДУГАМ: 2. Начальник отдела по борьбе с бандитизмом из телесериала «Место встречи изменить нельзя». 6. Малая планета. 33. Сыр с плесенью. 36. Растворитель.

Составила З. ИСАКОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. Вы можете стать просто незаменимым работником, чем бы вы ни занимались. Вас ждет много контактов, не исключены краткие поездки. Не отказывайте себе в приятном общении. Вы можете надеяться на помощь со стороны начальства либо старших родственников. В конце недели у вас могут появиться планы, связанные с перемещением в пространстве, которые станут реальными в недалеком будущем.

ТЕЛЕЦ. Любые ваши идеи, изложенные в письменном виде, будут приняты на «ура!». Напишите какой-нибудь план, отчет или предложение и порадайте им начальство, оно в долгу не останется. Стоит серьезно задуматься над выгодным предложением, вам могут предложить новую высокооплачиваемую работу — или какой-нибудь иной, не менее ценный шанс.

БЛИЗНЕЦЫ. В реализации своих идей действуйте решительно и быстро, при этом заручившись поддержкой коллег по работе. Вы можете оказаться у истоков перемен, объективная оценка ваших заслуг поднимет ваш авторитет. Не принимайте близко к сердцу сплетни и слухи и не пе-

редавайте их окружающим.

РАК. Вы будете склонны погружаться в мечты о том, как славно будет, когда реализуете подвинувшийся шанс, что можете попустить все мало-мальски стоящие возможности, а их как раз будет предостаточно. Занимайтесь делом, строить радужные планы будете после, когда появится немного времени. Прежде чем бросаться в омут решительных действий, стоит подготовить базу, соотнести плюсы и минусы.

ЛЕВ. Весьма желательно сдерживать желание выдавать ехидные комментарии по любому поводу. Вашу язвительность запомнят надолго, и в нужный момент вы можете оказаться без поддержки лишь потому, что имели неосторожность ляпнуть нечто обидное. Удачны будут деловые встречи, ваша задача — произвести на партнеров благоприятное впечатление.

ДЕВА. Вы ощущаете прилив сил, чувствуете себя лидером, что внутренне льстит вашему самолюбию. На работе эти проявления совершенно естественны, а дома лучше проявить терпение по отношению к близким людям. Стоит заручиться поддержкой

единомышленников, прежде чем приступать к решительным действиям.

ВЕСЫ. Новые дела, проекты и предложения подоспеют вовремя, благоприятное время для ожидания ветра конструктивных перемен. Появится возможность повысить свой социальный статус. Не стоит принимать важное решение в одиночку. Стоит проанализировать отношения с окружающими.

СКОРПИОН. Работа будет гоняться за вами как голодный волк за своей добычей, об отдыхе некогда будет даже мечтать. Чтобы совсем не исчезнуть в ее жадной пасти, желательно сосредоточиться на глобальных делах. Вы узнаете какую-то старую тайну или освободитесь от большой проблемы. Придется выснять отношения с начальством, лучше не устраивать эмоциональных сцен.

СТРЕЛЕЦ. Появится возможность начать дела, которые после длительных усилий могут привести вас к огромному успеху. Это может произойти благодаря обучению, новой работе или через общение с преуспевающими знакомыми. Сохраняйте в тайне ваши планы и замыслы.

КОЗЕРОГ. Вам стоит почаще

бывать на важных деловых совещаниях и встречах. Не противьтесь своим интуитивным желаниям. Не стоит отстаивать позиции по мелочам, вы можете пропустить что-то более существенное. Ваши эмоции могут выплеснуться через край и напугать близких людей, и совершенно напрасно, — но в сложившейся ситуации криком ничего не изменишь.

ВОДОЛЕИ. Наступает благоприятный период для реализации многих начинаний. Вы будете энергичны, активны, изобретательны. Раскрывая свой творческий потенциал, вы будете черпать из него силы. Дела пойдут легко, надо будет только направлять свою энергию в нужное русло. В это время вам легко будет подняться вверх по служебной лестнице.

РЫБЫ. В узоре вашей судьбы переплетутся две нити, одна из которых представляет собой энергию завершения процессов, а другая — возобновление старых связей, занятий. Это время благоприятно для того, чтобы расстаться с вредными привычками, надоевшими делами и освободить место для новых людей или вещей.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмухаммад
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба
кунлари чиқади.
АЛОҚА. ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Тахририят манзили: 700031, Тошкент
шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун
реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агент-
лигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп
этилди.